O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 19 сентябрь ЧОРШАНБА

№ 77 (11.984)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

www.th.uz

## ТОШКЕНТДА АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

**Шу кунларда бутун дунё пахта саноати вакилларининг нигоҳи Ўзбекистонга қаратилган, дейиш мумкин. Пойтахтимизда учинчи Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси иш бошлади.**

Ушбу анъанавий ярмарка Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Пахта бўйича халқаро маслаҳат қўмитаси ҳамда "Cotton Outlook " журнали, "Ўзпахтасаноат" уюшмаси ва "Сифат" пахта толасини сертификатлаш маркази билан ҳамкорликда ташкил этилди.

Ярмаркада 34 мамлакатнинг 250 компаниясидан 450 вакил иштирок этмоқда. Таъкидлаш жоизки, иштирокчилар сонининг 2006 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпайгани Ўзбекистон пахта ярмаркасининг нуфузи ошиб, қамрови кенгайиб бораётганидан далолатдир.

Жаҳонда пахта етиштириш бўйича олтинчи, экспорт қилиш борасида иккинчи ўринда турадиган Ўзбекистонда истиқлол йилларида пахтачиликда туб таркибий ўзгаришлар амалга оширилди. Бунда пахтадан сифатли тола олишнинг янги технологияларини ривожлантиришга, бундай хом ашёнинг савдосига бозор иқтисодиёти тамойиллари ва механизмларини кенг жорий этишга алоҳида эътибор берилди.

(Давоми 2-бетда).

### Келажак ёшларники

**Чирчиқ шаҳри республика ва вилоят миқёсидаги кўпгина нуфузли тадбирларга мезбонлик қилган. «Келажак овози» кўрик-танловининг вилоят босқичи ғолиби бўлган 41 нафар иқтидорли ёшларни тақдирлаш маросимини тантанали ўтказиш учун ҳам шаҳардаги Олимпия захиралари спорт коллежининг кўркам манежи танланди. Ушбу танлов «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ҳамда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда 2005 йилдан буён ўтказиб келинмоқда.**



## ИҚТИДОРЛИЛАР РАҒБАТГА МУНОСИБ



Ўтган йилнинг саралаш босқичларида вилоятимиз бўйича 1,5 мингга яқин ёшлар иштирок этган бўлса, бу йил 3306 та ариза тушди.

– Мен бу танловга «Чорвачиликда наслчилик мактабини яратиш» мавзусидаги лойиҳамни тақдим этдим, – дейди Тошкент давлат аграр университети зооветеринатия факультети 2-курс талабаси Суннатилло Қаршиев. – Лойиҳам соҳа учун муҳим янгилик бўлганлиги ҳамда иқтисодий жиҳатдан катта даромад келтириши боис у ҳакамлар ҳайъати ва иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Шу сабабдан танловнинг республика босқичида иштирок этиш имконини берувчи йўлланмалардан бири менга насиб этди.

Танлов ғолиблари олий ўқув юртларига имтиёзли қабул қилиниши иштирокчи ёшлар учун яна бир муҳим рағбатдир. Бундан ташқари, ғолибларни қўллаб-қувватлаш мақсадида улар учун ҳар йили ёз мавсумида ўқув оромгоҳлари ташкил этилади, ихтироларини патентлаштиришга кўмак берилади, ижод намуналари чоп этилади ҳамда қатор қулайликлардан фойдаланиш имконига эга бўладилар. Энг муҳими, улар «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази аъзосига айланадилар.

**Хуррият МЎМИНОВА.**

**СУРАТЛАРДА:** танлов лаҳзалари.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ*

## Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови унинг конституциявий ваколат муддати тугайдиган йилда – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилиши белгиланганлигини инобатга олиб, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 8-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Жорий йилнинг декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси – 2007 йил 23 декабрь Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилансин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси 2007 йилнинг 21 сентябридан бошланиши эълон қилинсин.
3. Сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирларнинг тартиби, босқичлари ва муддатлари ҳақидаги ахборотни сайловчилар, сиёсий партияларга белгиланган тартибда Марказий сайлов комиссиясининг Ахборотномаси ва бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиш йўли билан етказиш таъминлансин.
4. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Раиси М. АБДУСАЛОМОВ.**

Тошкент шаҳри, 2007 йил 18 сентябрь.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ САЙЛОВ КОМИССИЯСИДА

**Тошкентда 18 сентябрь куни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди.**

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди ва бу ҳақда қарор қабул қилинди.

Мажлисда, шунингдек, сайлов комиссияларининг сайловга тайёргарлик кўриш ва ўтказишга доир тадбирлар календарь режаси тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама этилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

* * *

Шу куни Марказий сайлов комиссияси матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланишининг эълон қилиниши муносабати билан матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Марказий сайлов комиссияси раиси М. Абдусаломов мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакилларига Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддаси ва "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунининг 8-моддасига мувофиқ 2007 йил 23 декабрь – декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбаси Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови куни деб белгилангани ва 2007 йилнинг 21 сентябридан сайлов кампанияси бошланиши тўғрисида қарор қабул қилганини маълум қилди.

Марказий сайлов комиссияси раиси Марказий сайлов комиссияси "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонунга қатъий амал қилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар календарь режасини тасдиқлаганини қайд этди. Хусусан, сайлов округлари рўйхатлари сайловчилар сони ҳамда округ сайлов комиссиялари қаерда жойлашганлиги кўрсатилган ҳолда 9 октябргача матбуотда эълон қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари Марказий сайлов комиссияси томонидан Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ташкил этилади. Округ сайлов комиссиялари 14 октябргача, участка сайлов комиссиялари эса 13 ноябргача тузилади.

"Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 24-моддасига биноан сиёсий партиялар ва бевосита фуқаролар Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш ҳуқуқига эга. Сиёсий партия сайлов кампанияси бошланганлиги эълон қилинган кундан камида олти ой олдин Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олинган тақдирдагина Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиши мумкин. Қонунда белгиланганидек, сайлаш ҳуқуқига эга бўлган ҳар бир фуқаро ёки фуқаролар гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод кўрсатиш учун камида уч юз нафар сайловчидан иборат сайловчилар ташаббускор гуруҳини тузиши мумкин. Президентликка номзодлар кўрсатиш сиёсий партияларнинг юқори органлари, сайловчилар ташаббускор гуруҳлари йиғилиши томонидан амалга оширилади. Қонуннинг юқорида қайд этилган моддасига биноан, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга 65 кун қолганида бошланади ва 45 кун қолганида тугайди. Сайловолди ташвиқоти Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан, яъни 18 ноябрдан бошланади.

Бунда, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларга, сиёсий партияларга ва сайловчилар ташаббускор гуруҳларига сайловолди ташвиқотини ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилади. Бундан ташқари, Қонуннинг ушбу моддасида кўрсатилганидек, Президентликка номзодларга сайловчилар билан йиғилишлар ҳамда улар учун қулай бўлган бошқа шаклда учрашувлар ўтказишда тенг ҳуқуқ берилади. Йиғилишлар ва учрашувлар ўтказиладиган вақт ҳамда жой ҳақида сайловчиларга олдиндан хабар қилинади.

Матбуот анжумани қатнашчиларига "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги Қонуннинг 5-моддасига мувофиқ сайловга тайёргарлик кўриш ҳамда уни ўтказишга доир барча тадбирларда, Президентликка номзодларни кўрсатиш бўйича йиғилишларда, шунингдек, ҳар бир сайлов участкасида сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда Президентликка ўз номзодини кўрсатган сиёсий партиялардан, сайловчилар ташаббускор гуруҳларидан кузатувчилар, матбуот, телевидение ва радио вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга эканлиги маълум қилинди.

Шу муносабат билан Марказий сайлов комиссияси кузатувчиларни рўйхатга олишни таъминлайди ва уларнинг фаолияти учун зарур шароит яратади.

Матбуот анжуманида таъкидланганидек, Марказий сайлов комиссияси Ўзбекистон Республикаси Президентлигига эркин, адолатли ва демократик сайловнинг қонун доирасида, очиқ, ошкора ва холисона ўтказилишини, фуқароларнинг Конституцияда белгиланган сайлаш ва сайланиш ҳуқуқларини амалга оширишлари учун барча зарур шарт-шароит яратилишини таъминлайди. Сайлов комиссиялари Президент сайловига пухта тайёргарлик кўриш ва уни очиқ ҳамда ошкора ўтказилишини амалга оширади.

Матбуот конференциясида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари ўзларини қизиқтирган барча саволларга батафсил жавоб олдилар.

**ЎзА.**

## ТЕРИМЧИ ҲАҚИНИ ВАҚТИДА ОЛСА

### ишга астойдил ёндошади, мавсумда суръат ва сифат таъминланади

Вилоятимиз пахтазорларида йиғим-терим тобора қизғин паллага кирмоқда. Бугун мавсумга сафарбар этилган механизатордан тортиб оддий теримчигача миллий бойлигимиз бўлмиш пахтани ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, сифатли йиғиштириб олиш ҳаракатида. Ўз навбатида, мавсумни кутилганидек, кўтаринкилик ва уюшқоқлик билан ўтказишда ташкилий тайёргарлик ишларининг ҳар жиҳатдан пухталиги, хусусан, теримчилар учун муносиб шарт-шароитнинг ҳозирлангани ва меҳнатга яраша манфаатдорликнинг оширилиши муҳим омилдир.

Мавсумда қатнашаётганлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар қай тартибда амалга оширилиши хусусида Марказий банкнинг вилоят бош бошқармаси бошлиғи Мавлон Қосимов қуйидагича изоҳ беради:

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 йил пахта хом ашёси ҳосилини ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олишни таъминлашнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ижросига биноан ҳамда республика Молия вазирлиги томонидан 2007 йилда пахта хом ашёсини йиғиб-териб олишда қатнашувчи теримчиларга иш ҳақи тўлаш бўйича белгилаб берилган тавсияга кўра 2006 йил пахта хом ашёсини йиғиб-териб олишда қатнашган теримчиларга қўлда терилган 1 килограмм пахта учун тўланган 53 сўмдан 20 фоиз ортиқ миқдорда, яъни 64 сўм, машинада териб олинган 1 тонна пахта учун 595 сўм тўлаш режалаштирилган.

Молия вазирлигининг кўрсатмасига асосан «Давлат эҳтиёжлари учун харид қилинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳисоб-китоб жамғармаси» йиғим-терим учун маблағларни ҳар беш кунда «Пахтасаноат» ҳудудий акциядорлик бирлашмаси ва АТ«Пахтабанк»нинг вилоят филиали томонидан тақдим этилган буюртмаларга асосан ҳудудий «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмасининг ҳисоб-рақамига йўналтирилади. Ўз навбатида маблағлар ҳудудий «Пахтасаноат» акциядорлик бирлашмаси томонидан пахта тозалаш корхоналарининг ҳисоб рақамларига ўтказилади.

Пахта тозалаш корхоналари томонидан бир хўжалик бўйича топширилган пахта хом ашёси учун ҳақ тўлаш



тайёрланган пахта хом ашёсининг кондицион оғирлиги ва алоҳида қўл терими ва машина терими бўйича тасдиқланган баҳодан келиб чиққан ҳолда ҳамда қатъий равишда пахта қабул қилиш-топшириш ҳужжатлари асосида амалга оширилади.

**– Теримчиларга ҳақ тўлаб бориш муддатлари ва улар даромадидан олинадиган солиқ ставкалари хусусида ҳам тўхталсангиз.**

– Пахта йиғим-теримида қатнашганлар билан меҳнат ҳақи бўйича ҳисоб-китоблар теримчилар ва пахта териш машиналарининг механизаторлари билан ҳар беш кунда, пахтани юклаш, тушириш, тайёрлаш, транспортда ташиш ва жойлаштириш ҳамда ишлов бериш, пахта териш машинасига техник хизмат кўрсатиш ва тузатиш билан банд ходимлар билан ҳар ўн беш кунда юритилади.

Пахта йиғим-теримида қатнашганлар билан ҳисоб-китоб қилиш учун банк муассасаларидан нақд пуллар бериш белгиланган тартибда бюджетга тегишли даромад солиғи ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб қолинган ҳолда амалга оширилади.

Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитасининг келишувига асосан терим қатнашчиларига пахта йиғим-терими учун ҳар беш кунлик бўйича ҳисобланган даромаддан бюджетга Солиқ кодексининг 55-моддасида белгиланган солиқ шкаласининг минимал (13 фоиз) ставкасида даромад солиғи (ҳисобланган иш ҳақидан 1 фоиз миқдорида фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варақларига мажбурий бадалларни ҳисобга олган ҳолда), бюджетдан ташқари нафақа жамғармасига фуқароларнинг мажбурий суғурта бадалларига 2,5 фоиз миқдорида ундириб борилади.

Албатта, мавсумда қатнашаётган ҳар бир теримчининг моддий манфаатдорлигини ошириш учун барча имкониятларни ишга солаяпмиз. Шулардан келиб чиқиб айтишим мумкинки, вилоятимизда қўлда терилган бир килограмм пахта учун теримчи қўлига 60 сўмдан ҳақ олиши белгиланди.

Шунингдек, жисмоний шахсларга ҳисобланган иш ҳақи миқдоридан 24 фоиз ягона ижтимоий тўлов ҳисобланиб, юридик шахслар томонидан белгиланган тартибда бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга ўтказилади.

Солиқ кодексининг 59-моддаси «н» бандига мувофиқ пахта йиғим-теримига сафарбар этилган ҳашарчилар даромадларидан солиқ ҳисоблаш даврида ойлик минимал иш ҳақининг тўрт баробари миқдоридаги сумма чегириб ташланади.

## АДИБ ХОТИРАСИ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА



**Кишиларни эзгуликка даъват этиш ва маънавиятини юксалтиришда адабиётнинг аҳамияти беқиёсдир.**

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ушбу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган атоқли намояндалар хотирасини эъзозлаш, ёшларни уларнинг асарларида тараннум этилган инсонпарварлик ғоялари асосида тарбиялаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримовнинг 2007 йил 8 январда қабул қилинган "Ўзбекистон халқ ёзувчиси Абдулла Қаҳҳор таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш тўғрисида"ги қарори бунинг яна бир ёрқин далилидир.

(Давоми 4-бетда).

### Бугуннинг гапи

## КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ШАЙМИСИЗ?

**– Қўшни, сизни билмадим-у, лекин қиш яқинлашгани сари менинг қон босимим кўтариладиган бўп қолган. Уйимизнинг шифтидан узлуксиз чакка ўтишига тоқат қилиб бўлмайди. Ҳар йили тоғора, челак кўтариб, амаллаб баҳорга чиқамиз.**

**– Сизники ҳолва экан, Мастурахон, – дея гапни илиб кетди чақалоғини йўргаклаб олган Нозима келин. – Бизани «дом»да иссиқ сув келишини кутиб жўмракларга тикилиб ўтирамиз. Иситиш тизимини-ку, гапирмаса ҳам бўлади...**

Қишнинг ёғин-сочинли кунларида айрим қўшни хотинлар ўртасида шундай гап-сўзлар кечиши мумкин. Лекин улар айтаётган муаммоларни бартараф этиш учун масъул бўлган мутасадди ташкилотлар бор. Хўш, улар 2007-2008 йил кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишларини қай йўсинда олиб боришмоқда?

Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, бу масалага ҳукумат миқёсида жиддий эътибор қаратилмоқда. Шу маънода республика Президентининг «Республика иқтисодиёт тармоқларини 2007/2008 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори муҳим аҳамият касб этмоқда. Ушбу ҳужжатнинг ижроси ўлароқ, жойларда мавсумга тайёргарлик ишлари жонланиб кетганлигини кузатиш мумкин.

(Давоми 2-бетда).

### Муносабат

## ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

*Таъкидлаш жоизки, мустақиллик давригача республика Ташқи ишлар вазирлиги аппаратида бор-йўғи 10-15 нафар ходим бўлиб, улар номигагина вакиллик вазифаси ҳисобланган ишлар, яъни протокол мажбуриятлари ва турли тадбирлар, асосан чет эллик меҳмонларни қабул қилиш билан шуғулланарди, холос.*

***Ислом КАРИМОВ.***

***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида истиқлол йилларида халқимиз эришган кўплаб муваффақиятлар қаторида ташқи сиёсат масаласига алоҳида эътибор қаратилди.***

Зеро, "ички ва ташқи хавфсизликни таъминлаш тизимининг парчаланиши натижасида жамиятда ҳуқуқий бўшлиқ вужудга келгани, миллатлар ва динлараро, ҳудудий ва турли гуруҳлар, уруғ-аймоқлар ўртасидаги зиддиятларнинг авж олиб кетиш хавфи, радикал кайфиятларнинг айниқса ёшлар ўртасида кучайиши ғоят жиддий хатарга айланган эди" (И. Каримов). Мамлакат хавфсизлиги масаласи шу қадар кескин бўлиб турган ана шундай қалтис вазиятда мустақил давлатнинг ташқи сиёсатини шакллантириш нечоғли мураккаб иш бўлганини тасаввур қилиш қийин эмас.

Аслида Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатини йўқдан бор қилиш керак эди. Қайси мамлакат билан қандай муносабат ўрнатилади, қай даражада сиёсий, иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик қарор топтирилади, долзарб халқаро муаммоларга қандай муносабат билдирилади? Шулар каби кўплаб ўта мураккаб саволларга тезкорлик билан энг мақбул жавобларни топиш зарур эди.

Буларнинг барчаси вазифанинг бир қисми эди, холос. Яна бир ғоят муҳим вазифа ҳам бор эдики, бу – бир томондан, мамлакатимизни ўз йўриғига солмоқчи бўлган "ҳайрихоҳ" ва "раҳнамо"ларнинг "доно маслаҳатлари" ва "тавсиялари"га, иккинчи томондан, кун сайин кескинлашаётган таҳдидларга – экстремизм ва терроризмга жавоб топишни тақозо қиларди.

Демак, пухта ўйлаб, узоқни кўзлаб, миллий манфаатларга зиён етказмасдан, хавфсизлик масалаларини бир зум эътибордан четда қолдирмасдан иш тутиш талаб қилинар эди.

Шу боис қисқа фурсатда ташқи сиёсат ва ташқи савдо соҳасида иш юритадиган муассасалар – Ташқи ишлар вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар қўмитаси (ҳозир – Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги), Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ташкил этилди. Давлатимиз раҳбари томонидан ташқи сиёсатнинг, кенг қамровдаги халқаро муносабатлар тизимига интеграциялашишнинг устувор йўналишлари белгиланиб, кўплаб давлатлар билан дипломатия муносабатлари ўрнатилди, сиёсий, савдо-иқтисодий ва гуманитар ҳамкорлик имкониятлари ўрганила бошланди.

(Давоми 2-бетда).

Муносабат

# ИЗЧИЛЛИК ВА ҚАТЪИЯТ

Албатта, дипломатик кадрлар танқислиги яққол сезиларди. Зеро, шўро даврида юртимизда дипломатия тушунчаси кўпчилик учун нотаниш эди. "Болам дипломат бўлади", деган ота-онани учратиш қийин эди. Дипломатликни биров ҳатто орзу ҳам қила олмасди. Шунинг учун ҳам жуда қисқа вақт ичида "дипломатик кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизими яратилди". Президентимиз Фармони билан 1992 йили Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ташкил этилди. Ҳозир ушбу таълим даргоҳининг ҳузурида дипломатик академик лицей, гимназия ва кўплаб бошқа марказ ва тузилмалар фаолияти йўлга қўйилган. Шунингдек, кўплаб олий ўқув юртларида халқаро муносабатлар кафедралари очилган. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақалараро тадқиқотлар институти, Сиёсий тадқиқотлар маркази фаолият кўрсатмоқда.

Хуллас, бугун Ўзбекистоннинг ўз дипломатия мактаби бор, дейиш учун барча асослар етарли. Ёшларда дипломатликка қизиқиш шаклланиб, иштиёқ кучайди ва энг муҳими, ўз орзусига етишиш имкониятлари пайдо бўлди. Бугун дунёнинг кўплаб давлатларида – Ўзбекистоннинг элчихоналарида, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда "Ўзбекистон ҳаво йўллари" миллий авиакомпаниясининг ваколатхоналарида юзлаб малакали кадрларимиз фаолият кўрсатмоқда. Хорижда мамлакатимизнинг 48 дипломатик ваколатхонаси бор.

Бу хусусда гап кетар экан, дипломатик сервис хизмати ҳам Ўзбекистон учун мутлақ янги институт бўлганини таъкидлаш жоиз.

Мустақилликка қадар Ўзбекистонда бирорта ҳам хорижий давлат элчихонаси йўқ эди. Биз хорижлик элчилардан Соҳибқирон бобомизнинг ҳузурига Испания қиролидан вакил бўлиб келган Клавихони билар эдик, холос ... Ҳозирги вақтда Ўзбекистонда 86 элчихона ва савдо ваколатхонаси аккредитация қилинган.

Бугун дипломатларимиз Ўзбекистоннинг ташқи сиёсатига оид вазифаларни муваффақият билан бажармоқда. Бу борадаги энг сўнгги йирик натижалардан бири Президентимиз Ислом Каримов томонидан илгари сурилган Марказий Осиёда ядро қуролидан холи ҳудуд барпо этиш ташаббусининг амалда ўз ифодасини топганидир. 2006 йил 8 сентябрда Семипалатинск шаҳрида Марказий Осиё давлатлари ташқи ишлар вазирлари шу ҳақдаги шартномага имзо чекдилар. Албатта, бундай стратегик келишувлар давлат раҳбарларининг учрашувларида кўриб чиқилади, лекин келишувнинг амалий жиҳатларини дипломатлар бажаради.

Гап ўз-ўзидан халқаро журналистика соҳасига келиб тақалмоқда. Мустақилликка эришганимиздан кейин қатор мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари Ўзбекистонда мухбирлик пунктларини очди. Олис-олис мамлакатлардаги одамлар тезкор янгилик ва ахборотлар орқали юртимизда ўтаётган йирик тадбирлардан, улкан ўзгаришлардан воқиф бўлмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистоннинг ўзида миллий журналистика туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида халқаро журналистлар тайёрлаш йўлга қўйилди. Бугунги ўзбек журналистлари замонавий ахборот технологияларидан эркин фойдаланган ҳолда хориждан туриб, ёзма ва мультимедик янгиликларни тезкорлик билан узатади. Ўзбекистон матбуоти ва телерадиоси бугун халқимизни дунёда юз бераётган энг сўнгги воқеалардан, долзарб янгиликлардан хабардор этмоқда. Илгари саноқлигина бўлган шарҳловчи, таҳлилчи ва сиёсатшуносларимиз сафи тобора кенгаймоқда. Қисқаси, халқаро журналистика ҳам тўла шаклланди.

Мамлакатимизнинг қулай геосиёсий ўрни, унинг биринчи навбатда ўз миллий манфаатларини инобатга олган ҳолда олиб бораётган, ҳар томонлама чуқур ўйланган, мустақил ва изчил ташқи сиёсати давлатимизнинг жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилиши унинг халқаро майдонда обрў-эътибори ортиб боришини таъминлади.

Ҳа, халқаро майдонда Ўзбекистоннинг нуфузи тобора ортмоқда. Бунда давлатимизнинг мустақил, оқил ва одил ташқи сиёсати, БМТ, ШҲТ, МДҲ каби халқаро тузилмалар ишида фаол қатнашаётгани муҳим ўрин тутади. Айни пайтда юртимиздаги иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотлар, барча соҳаларда юз бераётган туб янгиланишлар, улкан бунёдкорлик ишлари ҳам хорижда Ўзбекистонга қизиқиш ва эътиборни кучайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон сиёсатининг ўзига хослиги ундаги изчиллик ва қатъиятдир. Давлатимиз ўзга давлатга ёки давлатлар гуруҳига қарши қаратилган блокларга қўшилмайди. Қатъият борасида эса, Президентимиз Ислом Каримовнинг бир неча йиллар аввал айтган гапини эслаш кифоя: "Ўзбекистон шамол ё оқим билан силжиб юрадиган айсберг эмас." Бир сўз билан айтганда, давлатимиз раҳбари юритаётган ташқи сиёсат замирида ҳамиша бир мақсад мужассам – Ўзбекистон манфаати ва яна бир бор Ўзбекистон манфаати. Буни Президентимиз ўз маърузасида яна бир бор алоҳида таъкидлади: "Бизнинг бу соҳадаги барча қадам ва ҳаракатларимиз фақат ана шу эзгу мақсадни амалга оширишга қаратилган".

**Анвар БОБОЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугуннинг гапи

# КУЗ-ҚИШ МАВСУМИГА ШАЙМИСИЗ?



– Вилоятимизда кузги-қишги мавсумга ҳозирлик кўриш аввалги йилларга нисбатан анча кенг қамровда олиб борилмоқда, – дейди вилоят ҳокимлигининг саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникация ва коммунал хўжалик масалалари бўйича котибият мудири Шохотам Тўхтаев. – Вилоят ҳокимининг қарорига биноан махсус штаб тузилган. Ҳар ҳафта бошқарма раҳбарлари ҳамда шаҳар ва туман ҳокимлари иштирокида кенгайтирилган йиғилишлар ўтказилиб, тегишли топшириқлар берилмоқда, баённомалар тузилмоқда.

Маълумотларга кўра, мавсумга қадар 200 та қозон, 65 та қозонхона, 182,2 километр газ, 98,4 километр сув, 364,5 километр иссиқлик тармоқлари, 36 та мактаб, 98 та боғча, 5 та шифохона, 1991 йилгача қурилган 372 та кўп қаватли уй, 2 та меҳрибонлик уйини мукаммал ва жорий таъмирлаш режалаштирилган. Шунингдек, 6960 та газ тақсимлаш пунктини тафтишдан ўтказиш ҳам кўзда тутилган.

Шундан режадаги 77,1 километр узунликдаги газ тармоқларини мукаммал таъмирлаш ишлари амалда 157,3 километр қилиб бажарилди. Иссиқлик ва сув тармоқларини таъмирлаш ишлари режаси ортиғи билан уддаланаётганлигини кўриш мумкин. Белгиланган мактаб, боғча ҳамда шифохоналарнинг мукаммал таъмири ҳам ниҳоясига етказилди. Фақатгина кўп қаватли уйлар ҳамда қозонларни созлашда сусткашликка йўл қўйилмоқда. Мўлжалдаги уйларнинг эндигина 154 таси ва 7 та қозоннинг атиги бир донаси таъмирланди, холос.

Жорий таъмирлаш бўйича ишлар айниқса жадал олиб борилаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масалан, режадаги иккита ўрнига 16 та шифохона жорий таъмирдан чиқарилди. Режа бўйича 10 та мактаб ёнига яна 6 таси қўшилиб, уларнинг бари мавсумга пухта тайёрланди.

– Кузги-қишги мавсумга тайёргарлик кўришда яна бир муҳим босқич кўмир, техник туз ҳамда суюқ ёқилғи – мазут жамғариш ҳисобланади, – дейди вилоят «Иссиқлик манбаи» бошқармаси бошлиғи Юрий Полищук. – Вилоят бўйича жами 49,6 минг тонна кўмир жамғарилиши режалаштирилиб, шу кунгача 35 минг тоннаси тахт қилиб қўйилди. Шунингдек, 208 тонна техник туз ҳамда 2 минг 485 тонна мазут жамғарилди.

Яқинда вилоят ҳокимлиги томонидан тузилган ишчи гуруҳ мавсумга тайёргарлик ишларини ўрганиш учун жойларга чиқди. Бунда шаҳар ва туманларда амалга оширилаётган ишларга баҳо берилиб, бир қатор камчиликлар ҳам аниқланди. Жумладан, Оҳангарон шаҳрида мукаммал таъмирланиши лозим бўлган 21 та уйнинг 19 тасида бу ишлар тугатилмаган. 3-кичик даҳадаги «Мурувват гулшани» уй-жой мулкдорлари ширкатига қарашли 11 та уйнинг ертўлаларидаги иситиш қувурлари ишга яроқсиз ҳолатда эканлиги аниқланди. Табиийки, бу уйлар қиш даврида иситишга тайёр эмас.

Бекобод тумани Зафар қўрғони ҳудудида аниқланган камчиликлар ҳам ачинарли. Усмон Носир ҳамда Гагарин номли кўчалардаги уйларнинг иситиш тизимларини мукаммал таъмирлаш бўйича кичик қозонлар ўрнатилган. Лекин улар уйнинг ташқи томонида бўлишига қарамай, қозонхона қурилмаган, бу ерга газ тармоғи тортилмаган. Қолаверса, уйлар томини таъмирлаш ишлари бошланмаган, кириш йўлаклари таъмирланмаган.

Паркент туманидаги мукаммал таъмирланиши лозим бўлган кўп қаватли уйларнинг атиги биттасида таъмирлаш ишлари бошланган холос. Қолган 5 тасининг таъмирига эса ҳамон киришилмаган. Умар Хайём кўчасидаги 1-уй ҳамда Ёшлик қўрғонидаги 16-уйнинг томларидан эса чакка ўтади. Устига-устак бу ерда иситиш тизими ҳам мавжуд эмас.

Чиноз туманида ҳам «Мендан кетгунча – эгасига етгунча» қабилидаги ишлар кўзга ташланади. Хусусан, 28-кўп қаватли уйнинг таъмири ўлда-жўлда. Бу ерда на кириш йўлагининг эшиги бор, на ойналар ўрнатилган. Йўлаклар эса таъмирга муҳтож. Энг ачинарлиси, оқава қувурлари ўрнатилмаганлиги сабабли қудуқлардан сув тошиб ётибди.

Қуйичирчиқ туманида айрим раҳбарларнинг эътиборсизлиги сабабли 7 та кўп қаватли уйнинг мукаммал таъмирига ҳамон киришилмаган. Аҳоли эса бу ишларнинг орқага сурилаётганидан жуда ташвишда.

Кўриниб турибдики, умуман вилоятда кузги-қишги мавсумга тайёргарлик ишлари аллақачон бошланиб кетган. Амалга оширилаётган арзирли чора-тадбирлар талайгина. Лекин жойларда маҳаллий мутасадди ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари томонидан йўл қўйилаётган камчилик ва нуқсонлар, баъзи муаммолар ҳам йўқ эмас. Ваҳоланки, кузги-қишки мавсумга тайёргарлик масаласида «айрим камчилик ва нуқсонлар» мутлақо бўлмаслиги керак. Чунки, озгина эътиборсизлик оқибатида ўнлаб оилалар қишли-қировли кунларда қаттиқ азият чекиши мумкин.

**Хуршида НАЗАРОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ТОШКЕНТДА АНЪАНАВИЙ ХАЛҚАРО ПАХТА ЯРМАРКАСИ ОЧИЛДИ

Натижада жаҳон бозорида Ўзбекистон пахта толасининг мавқеи ва рақобатбардошлиги кескин ошди.

Бозор иқтисодиёти Ўзбекистон селекционерлари олдига халқаро талаблардан келиб чиққан ҳолда янги навлар яратиш шартини қўйди. Бугун мамлакатимизда асосан тезпишар, толаси узун ва пишиқ, серҳосил, касаллик ва зараркунандаларга бардошли пахта навлари мавжуд.

Миллий сертификатлаштириш тизими ҳам туб ўзгаришларни бошдан кечирди. Пахта толаси сифатини белгилашнинг жаҳон амалиётида кенг қўлланилаётган HVI кўрсаткичлари тизимига ўтилди. "Сифат" маркази пахта сифати ва ҳар бир той толанинг вазнини назорат қилиш имконига эга кўп тармоқли лабораториялар билан жиҳозланди.

Пахтани экспорт қилиш жараёнининг қандай бўлиши кўп жиҳатдан пахта терминаллари, транспорт инфратузилмаси ва логистика тизимининг қандай ташкил этилганига боғлиқдир. Бу хусусда Ўзбекистонда жами 400 минг тонна пахта толасини сақлаш имкониятига эга йигирмадан зиёд ихтисослаштирилган пахта терминали фаолият кўрсатаётганини таъкидлаш лозим. Шунингдек, Ўзбекистон пахтасини ташқи бозорларга етказиб бериш йўналишларини қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш мақсадида энг самарали ва қулай йўналишларни ишлаб чиқиш давом этмоқда.

Президент Ислом Каримов ташаббуси билан 2005 йилда илк бор ташкил этилган ушбу ярмарка мамлакатимизда пахта етиштириш, қайта ишлаш, ташиш ва сотиш борасидаги халқаро ҳамкорликни ривожлантиришнинг янги босқичи тамал тошини қўйди. Иштирокчиларнинг бундай тадбирни мунтазам ўтказиш борасидаги таклиф-истакларини инобатга олган ҳолда, ярмарка анъанавий пахта форумига айлантирилди. Ушбу анжуман нафақат Ўзбекистоннинг тегишли ташкилотлари билан турли давлатлардаги йирик тўқимачилик компаниялари ва етакчи трейдерлар ўртасида, балки пахта етиштириш, қайта ишлаш, сотиш, ташиш билан шуғулланувчи кўплаб мамлакатлар, фирма ва компанияларнинг ҳамкорлигини ривожлантиришга ҳам катта ҳисса қўшиб келмоқда.

Айтиш мумкинки, мазкур ярмарка Ўзбекистонда пахтачиликни ҳар томонлама такомиллаштириш, тола сифатини ошириш, маркетинг тадқиқотларини кенгайтириш борасида олиб борилаётган ишларни мантиқий якунига етказувчи босқичдир. Ўзбекистон пахтасининг харидоргирлиги ошишида унинг юксак сифати нечоғли муҳим аҳамият касб этса, ярмарканинг ташкил этилиши ҳам шу қадар муҳим. 2006 йилги ярмаркада 1,7 миллион тонна пахта толасини сотиш юзасидан шартномалар имзолангани Ўзбекистон пахтасининг сифатига билдирилган юксак ишонч ва эътирофдан яна бир далолатдир. Зеро, йирик фирма ва компаниялар, трейдерлар пахта толасининг сифатига тўла ишонч ҳосил қилмай туриб, савдо операцияларини амалга оширмайди. Бу галги ярмаркада ҳам шартномалар салмоғи катта бўлиши кутилмоқда.

III Халқаро Ўзбекистон пахта ярмаркаси қатнашчилари "Ўзэкспомарказ" кўргазма павильонларида пахта толасининг ранг-баранг намуналари билан яқиндан танишдилар. Бу ерда пахта сифатини баҳолаш ва танланган товарни сотиб олиш бўйича шартнома тузиш имконияти яратилган. Айни пайтда ярмарка иштирокчилари Ўзбекистон товар-хом ашё биржасининг савдоларида қатнашиб, пахта толасини сотиб олиш имкониятига эга.

Ярмарка иштирокчиларининг салмоқли қисмини тўқимачилик саноати жадал ривожланаётган мамлакатлар, айниқса, Россия, Ҳиндистон, Хитой, Корея Республикаси, Эрон, Туркия, Бангладеш, Покистон вакиллари ташкил қилади. Ушбу мамлакатлардан келаётган иштирокчилар сони йилдан-йилга кўпаймоқда.

Ярмарканинг биринчи иш куни қизғин музокараларга бой бўлди. Хитой, Бангладеш, Россия, Покистон, Эрон, Туркия вакиллари билан мулоқотлар ўтказилди.

– Ўзбекистоннинг пахта толаси сифат жиҳатдан юксак марраларни эгалламоқда, – дейди Туркиянинг Mumcular sanayi ve ticaret компанияси бошқаруви раиси Усмон Зенгер. – Уни мақбул нарх ва ҳажмда харид қилишда анъанавий Тошкент халқаро пахта ярмаркаси муҳим аҳамият касб этмоқда. Биз ярмаркада самарали музокаралар ўтказиб, ҳар ойда камида минг тоннадан тола сотиб олишни кўзлаб шартномалар тузишга аҳд қилдик.

Ярмарканинг очилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш. Мирзиёев иштирок этди.

**ЎзА.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

# ҲОМИЙЛАР КЎМАГИДА

**Ангрендаги 43-умумий ўрта таълим мактабида кузги-қишки мавсумга тайёргарлик ишлари ҳомийлар кўмагида амалга оширилди.**

— 5 та бўлимдан иборат мактаб биноси тўлиқ жорий таъмирдан чиқарилди, — дейди мактаб директори Гулнора Қорабоева. — Шунингдек, таъмирталаб ҳолга келган томнинг асосий қисми шифер билан ёпилди.

**Мунира ИСАЕВА.**

# ЙИЛ АЁЛИ КИМ БЎЛАДИ?

***Замонавий ўзбек аёли қандай бўлиши керак? У оиласини яшнатиш учун нима қилиши лозим? Умуман, аёл ҳаёт ва жамиятдаги ўрнини қай йўсинда топади?***



Ушбу саволларга «Йил аёли» республика кўрик-танловида қатнашаётган ҳар бир иштирокчининг ўзига яраша жавоби бор. Айтиш мумкинки, танлов «Аёллар кенгаши» жамоат бирлашмасининг ташаббуси билан биринчи марта ташкил этилаётир. Бирлашма фаолиятининг асосий мақсади эса, оила ва аёлларни ижтимоий муҳофаза қилиш, аёллар ва болалар учун ҳаётий зарур шарт-шароитларни яратиш, ўсиб келаётган авлоднинг маънавий ва интеллектуал қобилиятини тўғри йўналтириш ва уларга саховат кўрсатишдир.

Республика танловининг Чирчиқ шаҳрида бўлиб ўтган вилоят босқичи қатнашчилари қайси касбда меҳнат қилишларидан қатъи назар хонадонларида ўзларининг «кичик дунё»ларини ярата олишган. Ҳозир баркамол ва эл-юртга муносиб фарзандларни тарбиялашмоқда.

– Бундай кўрик-танлов илк маротаба ўтказилаётган бўлсада, ундан ўзимиз учун жуда кўп нарсаларни олдик, – деди Тошкент тумани марказий шифохонаси ҳамшираси Умида Нортиллаева. – Ўзим каби иштирокчиларни кузата туриб, бугунги ўзбек аёли ҳеч кимдан кам эмас деган хулосага келдим.

Танловнинг саралаш босқичида 500 нафар аёл қатнашган бўлса, улардан 11 нафаригина вилоят босқичига етиб келди. Республика босқичига йўлланма олиш ҳуқуқи эса фақат бир иштирокчига насиб этади. Ғолиб тўртта шарт асосида аниқланди. «Уйимизнинг анъанаси» шартида аёллар хонадонларидаги қизиқ одат ва анъаналарни намойиш этишди. Уларнинг пазандалик қобилиятлари «Мазали кашфиёт» шартида баҳоланди. Шунингдек, иштирокчилар ўз ижодий интилишлари асосида уйларини қандай безатганларини учинчи қисмда кўрсатиб беришди. «Уй вазифаси» ҳам жуда қизиқ ўтди. Унда аёлларнинг санъат соҳасида нимага қодир эканликлари кўрикдан ўтказилди.

Танлов ҳайъати Қибрай туманидаги вилоят болалар уйининг бош шифокори Гулнора Тўхтаназаровани танлов ғолиби деб эълон қилди. Энди у танловнинг шу йил ноябрь ойида пойтахтда ўтказиладиган республика босқичида вилоятимиз аёллари номидан иштирок этади.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

**СУРАТЛАРДА:**
«Йил аёли» кўрик-танловининг вилоят босқичи эсда қоларли дақиқаларга бой бўлди.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**





***Қутқарувчиларнинг республика очиқ чемпионати якунига етди. Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги томонидан ташкил этилган анъанавий мусобақада мазкур вазирлик тизимидаги бошқармалар вакилларидан иборат жами ўн саккиз жамоа иштирок этди.***

# ҚУТҚАРУВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

Тадбирнинг очилишида мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди. Фавқулодда вазиятларда аҳолига ёрдам бериш ушбу тизимдаги ҳар бир ходимдан доим ҳушёрлик, юксак касбий маҳоратни талаб этади.

Мазкур мусобақадан кўзланган асосий мақсад ҳам соҳа ходимларининг аҳоли ҳамда ҳудудларни табиий ва техноген кўринишдаги фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, бундай қалтис ҳолатлар юз берганида уларнинг оқибатларини тезда бартараф этиш билан боғлиқ вазифаларни бажариш борасидаги билим ва малакасини янада оширишдан иборатдир.

Иштирокчилар тўрт кун давомида тоғ, ғаввослик ва спорт тайёргарлиги билан бир қаторда фавқулодда вазиятларда қутқарув ишларини амалга ошириш борасида беллашди.

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлигидан маълум қилишларича, Тез ҳаракат қилиш республика кўп тармоқли маркази ва "Резак" қидирув-қутқарув отряди жамоалари қутқарувчилари ўз йўналишларида биринчи ўринни эгаллаган.

**ЎзА.**

XXI аср ва дунё

## "ЭГАСИ" НОМАЪЛУМ ХУНРЕЗЛИК

**Покистонда рўй берган кучли портлаш оқибатида йигирмадан зиёд киши ҳаётдан кўз юмди, элликка яқин одам жароҳатланди, деб хабар беради РАТА-ТАСС.**

Полициячиларнинг сўзларига кўра, портлаш Тарбела шаҳарчасида юз берган, унинг ортида қандай кучлар тургани номаълум.

## РЕКОРД ОРТДА ҚОЛДИ

**Нью-Йорк хом ашё биржасида бир баррель нефть баҳоси 80,09 АҚШ долларига тенглашди. Шу тариқа "қора олтин" нархи 2006 йилнинг 14 июлида ўрнатилган рекорд кўрсаткичдан (78,40 доллар) ошди.**



Мутахассисларнинг таъкидлашича, нарх ошишига мамлакат стратегик нефть захирасининг 7,1 миллион баррелга камайгани сабаб бўлган. Бироқ, бозордаги қимматчиликка қарамай, АҚШда нефть маҳсулотларига талаб кун сайин ошмоқда.

## АСР БИЛАН ЮЗЛАШГАНЛАР

**Японияда юз ёшни қаршилаганлар сони ўттиз мингдан ошди. Мамлакат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва ижтимоий таъминот вазирлиги маълумотига кўра, 1963 йилги ҳисобда юздан ошганлар атиги 153 кишини ташкил қилган экан.**



Мутахассисларнинг таъкидлашича, сентябрь охирида мамлакатда бир асрдан зиёд яшаганлар сони 32,3 мингга етади. Уларнинг 85,7 фоизини аёллар ташкил қилади.

Маълумотларга қараганда, энг кекса аёл – 113 ёшли Цунэйо Тойонага ва энг кекса эркак – 112 ёшли Томодзи Танабэ ҳали анча тетик бўлиб, узоқ умр кўриш бўйича "Гиннеснинг рекордлар китоби"га киритилган.

**ЎзА.**

# АДИБ ХОТИРАСИ ҲАМИША ЭЪЗОЗДА



Мамлакатимизда атоқли адибнинг ҳаёти, фаолияти, адабий меросини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. А. Қаҳҳор асарларининг ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, фидойилик, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ўрни ғоят каттадир. Юртбошимиз Фармонига биноан 2000 йилда Абдулла Қаҳҳор "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Адиб таваллудининг 100 йиллигини нишонлаш арафасида юртимизда унинг серқирра ижодини чуқур ўрганиш, асарлари мазмун-моҳиятини ёшлар қалби ва онгига сингдириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Танланган асарлари, замондошларининг хотиралари чоп қилиниб, китобхонлар эътиборига ҳавола этилди. Театрларимизда Абдулла Қаҳҳор асарлари асосида спектакллар саҳналаштирилди. Маҳаллалар, таълим масканлари, маънавият ва маърифат даргоҳлари, меҳнат жамоаларида унинг ҳаёти ва ижодига бағишланган адабий-бадиий тадбирлар, давра суҳбатлари, ижодий учрашувлар, адабий анжуманлар ўтказилди.

Адибнинг уй-музейи тубдан таъмирланиб, экспозицияси янада бойитилди. Турли ҳужжатлар, нашрлар, фотосуратлар, овозли ва видео ёзувлар, тарихий ашёлардан иборат янгиланган экспозиция адиб ҳаёти, серқирра ижод йўли ҳақида батафсил ҳикоя қилади. Немис, инглиз, француз, болгар, румин, литва, эстон, хитой, корейс тилларида чоп этилган китоблари, дунё мамлакатларининг юздан зиёд саҳнасида қўйилган пьесалари ҳақидаги маълумотлар Абдулла Қаҳҳор асарларидан жаҳоннинг кўплаб халқлари баҳраманд бўлаётганидан далолатдир.

17 сентябрь – Абдулла Қаҳҳор таваллуд топган куни эрталаб адиблар, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, адабиёт мухлислари унинг хотирасига эҳтиром бажо келтириб, қабрига гулчамбарлар қўйдилар.

Пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий академик драма театрида адиб таваллудига бағишланган кеча бўлиб ўтди. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов, адабиётшунос Абдуғафур Расулов, адиб уй-музейи директори Нодира Жалолова Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда барча соҳалар каби миллий адабиётимизни равнақ топтириш, унинг ривожи йўлида фидойилик кўрсатган ёзувчи ва шоирлар хотирасини эъзозлаш ва абадийлаштириш, меросидан халқимиз, айниқса ёш авлодни баҳраманд этишга алоҳида эътибор берилаётганини таъкидладилар. Абдулла Қаҳҳор каби адабиётимиз, она тилимиз фидойиларининг ўлмас асарлари ёшларда фаол ва қатъий фуқаролик позициясини шакллантириш, уларни Ватанга муҳаббат, эл-юрт тақдири учун бурч ва масъулиятни астойдил ҳис этиш, эзгулик, ҳалоллик ва поклик руҳида тарбиялашда беқиёс аҳамиятга эгадир.

Кечада санъат усталари ва ёш ижрочиларнинг концерти намойиш этилди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

**(Давоми. Боши 1-бетда).**

Олий табақа

# «МЕТАЛЛУРГ» СЎНГГИ ПОҒОНАГА ТУШИБ ҚОЛДИ

**Футбол бўйича мамлакат чемпионати қатнашчилари 20-тур учрашувларини ўтказдилар.**

Вилоятимиз шарафини ҳимоя қилаётган Бекободнинг «Металлург» жамоаси Муборакнинг «Машъал» жамоаси билан баҳс юритди. Майдон эгалари меҳмонларнинг икки тўпига қарши биронта ҳам жавоб тўпи кирита олмадилар. Бу мағлубиятдан сўнг «Металлург» сўнгги ўринга тушиб кетди.

Турнинг бошқа учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Насаф» – «Пахтакор» – 0:1; «Қурувчи» – «Тўпаланг» – 4:1, «Шўртан» – «Трактор» – 3:3, «Вобкент» – «Самарқанд-Д» – 2:2, «Нефтчи» – «Навбаҳор» – 1:1, «Андижон» – «УзДЭУ-авто» – 0:0.

Навбатдаги 21-тур учрашувлари 22, 23 сентябрь кунлари бўлиб ўтади. «Металлург» Тошкентда «Трактор»га қарши майдонга тушади.

**Талъат ЮСУПОВ.**



***Ўзбекистон Ёшлар театрининг янги мавсуми Санкт-Петербургнинг "Балтийский дом" театр-фестивали актёрлари билан ҳамкорликда тайёрланган "Ато этилган муҳаббат афсонаси" спектакли билан бошланди.***

# ҲАМКОРЛИКДАГИ ИЖОДИЙ ЛОЙИҲА

Ушбу асарни саҳналаштиришда театр жамоасига "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамда қатор ташкилотлар яқиндан кўмак берди.

Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асарининг ўзига хос талқини сифатида юзага келган спектаклда меҳр-муҳаббат, саховат, бағрикенглик каби эзгу фазилатлар тараннум этилади.

**ЎзА.**

# ХАЛҚАРО ФЕСТИВАЛЬ

**Республика Киночилар уйида "Кино ва телевидениеда спорт" мавзуида иккинчи халқаро фестиваль бўлиб ўтди. У Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, "Кино ва телевидениеда спорт" халқаро федерацияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, юртимиздаги бир қатор спорт федерациялари, "Ўзбеккино" Миллий агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилди.**

"Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод", Универсиада спорт мусобақалари, "Тўмарис" аёллар спорт фестивали, шунингдек, турли касб эгалари ўртасидаги турнирлар иштирокчиларининг йил сайин кўпаяётгани, янги-янги болалар спорт мажмуа ва мактабларининг қуриб фойдаланишга топширилаётгани, ҳамюртларимиз нуфузли мусобақаларда муваффақият қозонаётгани соҳага эътиборнинг самараларидандир.

– Мамлакатимизда спорт соҳасида эришилган ютуқларни жаҳон миқёсида кенг тарғиб этишда телевидение ва кинонинг ўрни катта, – дейди киношунос олима Сабоҳат Ҳайитматова.– Сўнгги йилларда юртимизда бу мавзуда кўплаб фильмлар яратилди. Мазкур фестиваль уларнинг энг сараларини танлаб олиш имконини беради.

Фестивалда ўзбек киноижодкорларининг "Универсиада – 2007", "Ўзбек спорти одимлари", "Спорт маликалари", "Кўпкари", "Тўмарис. Сўнгги сўз" каби фильмлари билан биргаликда Россия, Германия, Испания, Италия, Финляндия, Польша, Австралия каби мамлакатларнинг спорт мавзуидаги бадиий, ҳужжатли ва телевизион фильмлари ҳам намойиш этилди.

Фестивалнинг турли номинациялари бўйича совриндор бўлган ҳамда Гран-прига сазовор фильмлар шу йил октябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида ўтказиладиган "Кино ва телевидениеда спорт" халқаро фестивалига тақдим этилади.

**ЎзА.**

Маънавият сабоқлари

# НЕВАРАМГА ДЕГАНЛАРИМ

*Ҳаром пул сарф қилишдан ўғирликдан қўрққандек қўрқ.*

* * *

*Бировдан маслаҳат сўраб бордингми, яхшими-ёмонми, маслаҳатига қулоқ сол, кераклисини ол, кераксизини олма.*

* * *

*Тўқ тутқунликдан оч эркинлик афзал.*

* * *

*Борди-ю, қўли гул уста бўлиб етишсанг, пул ортидан қувувчи бўлма.*

* * *

*Пул кишига маънавий-руҳий озуқа беролмайди.*

* * *

*Эртага янада яхшироқ, янада унумлироқ ишлашинг учун аввал бугунги ишингдан мамнун бўл.*

* * *

*Донолик – осмон, нодонлик – қаро ер.*

* * *

*Қариганингда қийналмайин десанг ёшлигингда тишларингни эҳтиёт қил. Уларни ҳар куни парваришлаб тур.*

* * *

*Ўқишга ва ишга уқувсизлик дард устига чипқон бўлмасин десанг, ҳар бир ишнинг сиру асрорини пухта ўрганишга ҳаракат қил.*

* * *

*Эплаган иккини урар, эпламаган бармоғин сўрар.*

* * *

*Жамоат жойларида мансабу мартабангга қараб эмас, ёшингга қараб ўтир.*

* * *

*Белим синмасин десанг, тижорат ва савдосотиқ ҳадисларини пишиқ-пухта ўрган.*

* * *

*Даромадингга яраша буромад қил.*

* * *

*Бировга ёрдам қўлингни чўзсанг, у ҳам бир кун сенга қайишади.*

* * *

*Кишининг яхши-ёмони ишидан, пазанданинг яхши-ёмони ошидан билинади.*

**ҲАСАН ота,**
**Бекобод тумани.**

Тошкент қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи томонидан 2005 йилда Эргашев Азиз номига берилган № 080254 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**




Бир вақт қулоғимга аллақандай шовқин чалингандай бўлди. Кўзимни аста очиб секин қулоқ солдим. Қандайдир туёқли моллар подасининг дапур-дупур қилиб келаётгани узоқдан элас-элас эшитиларди. Қўшни шийпончага қарадим. Томас худди ўлжасини пойлаётган този итдек ингичка бўйнини чўзганча, тун қўйнига қулоқ соларди. Моллар дапур-дупури эса тезлик билан яқинлашиб келарди.

– Ёввойи моллар подаси келаётганга ўхшайди, – дедим мен Томасга секингина.

– Ёввойи моллар бу ерда нима қилсин? Булар тўнғизлар,– деди Томас ишонч билан ва милтиғини ўқлай бошлади.

«Ҳай-ҳай»лаб Виталий билан Георгийни уйғотдик. Али бўлса аллақачон уйғониб, шийпонга ётиб олиб яланглиқдан кўзини узмасди. Ой тиккага келган. Яланглик, худди лагандек оқариб турарди. Бизлар милтиқларни яланглиқка тўғирлаганча ўлжа пойлардик.

Ниҳоят, бесабрлик билан кутган тўнғизларнинг бир вакили отилиб кирди-да, уч-тўрт қадам юриб тўхтади. Бурни билан нималарнидир ҳидлаб уёқ-буёққа алангларди. Томас бизга имо-ишора қилиб тўнғизни отмасликни уқтирди. Ноилож кўниб лабларимизни ялаб, тўнғизни кузата бошладик. Тўнғиз эса атрофни ҳидлаб-ҳидлаб бирдан орқасига қайтди-да, дарахтлар орасида кўздан йўқолди. Биз афсусланиб «оҳ-воҳ» қилганимизда Томас секингина:

– У галанинг айғоқчиси эди. Яланглиkни текширгани келган! – деди. Кўп ўтмай, бояги тўнғиз бошчилигида яланглиқка етти-саккизтаси кириб келишди-да боя биздан қолган овқат чиқиндиларини ея бошлашди. Фурсатни бой бермай Томаснинг ҳай-ҳайига қарамай тўнғизларни ота кетдик. Бирпасда етти тўнғизни ер тишлатдик. Алининг эса қувончи ичига сиғмасди. Чунки, унинг ўқидан йиқилган биринчи ўлжаси пастда яланглиқда жон талвасасида типирчилаб ётарди. Индамасак ўғлим дарахтдан ҳозироқ сакраб туша ўз ўлжасининг терисини шила бошларди. Яланглиқка яна тўнғизлар келиб қолишини билган Томас бизга дарахтдан тушмасликни уқтирди. Ҳақиқатдан ҳам майдонга бир гала тўнғиз кириб келиб, отилган шерикларининг жасадлари олдида ҳайрон бўлгандек, жойларида тек қотишган эди.

– Семизроқларини танлаб отиш керак, – деди Георгий милтиғини ўқлаб.

Биз шундай қилдик. Танлаб, фақат семиз тўнғизларни завқ билан ота бошладик. Ой дарахтлар орасига беркиниб, яланглик қоронғилаша бошлаганида майсазор устида элликка яқин тўнғиз чўзилиб ётарди. Яланглиқка янгитдан кириб келган тўнғизлар эса ҳозиргина улар билан ёнма-ён йўл босиб келган қардошларини ким қонга белаганини била олмай жазавага тушганча, яланглиkни айланардилар...

Ой ботиб, яланглик ҳам, ўрмон ҳам қоп-қора тун қўйнида қолди. Ўрмондаги ҳар хил ҳайвонларнинг бўкиришлари, қушларнинг ваҳимали ҳайқириқлари, пастда яланглиқда важоҳат билан югуриб юрган тўнғизларнинг овозини босиб қўйди. Ҳолдан тойганлигимиз учун барчамиз ўз шийпонларимизда олдинма-кетин уйқуга кетиб қолганлигимизни ҳам сезмадик. Тонг отганда кўзимиз пастдаги яланглиқка тушиб донг қотиб қолдик. Тўнғиз жасадлари билан тўлиб ётган яланглиқда бир гала тўнғизлар ҳамма ёқни титиб пайҳон қилишмоқда эди. Бизнинг ўлжалар эса майсазорда йўқ. Уларни тирик тўнғизларнинг ўзлари суяк-суякларигача еб қўйишибди. Бундай даҳшатли манзарадан лол бўлиб, нима қилишимизни билмай, бир-биримизга қарадик. Шунда жаҳлдан кўзлари ола-кула бўлиб кетган Георгий грузинчалаб сўкинди-да, бирин-кетин ўқ узиб иккита тўнғизни қулатди. Ҳали жони узилмай талвасада ётган бу икки тўнғизга ҳам бошқалари чумолидай ёпишиб, кўз ўнгимизда ичак-чавоқларигача еб қўйишди. Тумшуқлари қонга бўялган тўнғизлар уларни қирғин қилаётган душманларини кўзлари қонга тўлиб, ҳар қаёққа югуриб излардилар. Аммо ажал ўти тепадан ёғилаётганига «ақллари» етмаётганларидан кулардик. Томаснинг доно маслаҳати билан дарахтлар устига қурган шийпончаларга ўтириб олиб тўнғизларга ўқ узардик. Йиқилган тўнғизларнинг ўрнига эса бошқалари кириб келарди. Уларнинг бир қисми яланглиқдаги жасадларга ёпишиб қорнини тўйғазиш билан овора. Бошқа бир қисми милтиғ отилаётган ерни излаб елиб-югурарди. Шунда ўғлим Алининг милтиғи қўлидан тушиб кетди. Милтиққа ғазаб билан ташланган тўнғизлар уни бир онда ғажиб ташладилар. Милтиқдан фақат букиб ташланган стволигина четда ётарди.

Аммо, энг ёмони тўнғизлар бизнинг дарахтда ўтирганимизни кўриб қолишган эди.

Элликка яқин тўнғиз биз ўтирган дарахтларни ўраб олиб, танасига тишларини зарб билан ботирар, ғажишга урингардилар. Шунда галанинг ичидан бир қарироқ тўнғиз айрилиб чиқиб, Виталий билан Георгий ўтирган дарахтнинг илдизини ковлай бошлади. Буни кўрган тўнғизлар бошқа ерда ивирсишни бас қилиб, дарахтнинг тагини ўйишга тушиб кетдилар. Қари тўнғиз ўз қилмиши гала томонидан маъқуллanganини кўриб, Томас билан Али ўтирган дарахтнинг тагини ковлашга тушди. Унга ёрдамга келган тўнғизларга жой бўшатиб берган бу аблаҳ кейин мен ўтирган дарахтнинг тагини ковлай бошлади. Жуда хатарли вазиятга тушиб қолганимизни тушундик. Тўнғизларни ҳайдаш мақсадида энди яланглиқдаги галага эмас, дарахт тагини ковлаётган тўнғизларга қарата ўқ отардик. Тўнғизлар эса ўқ еб ўлган ёки яраланган шерикларини дарҳол четга суриб кетишар, ўрниларига эса бошқалари туриб дарахт тагини ковларди. Виталий мобиль телефони орқали қаергадир уланиб, ёрдам сўради. Қутқарувчилар келиб ёрдам беришига умид боғлаб ўтиришдан бошқа иложимиз қолмади. Отганимиз билан тўнғизларнинг сони камаймасди, улар баттар қутуриб бизни ғажиш пайида эди. Ниҳоят зарб кучидан, биз ўтирган дарахтлар ҳам чайқала бошлади.

Шу аҳволда қанча вақтни ўтказганимизни билмайман. Аммо бир пайт Виталий билан Георгий ўтирган дарахт бирдан оғиб, йиқилганида кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Ерга худди чумчуқ боласидай тўкилиб тушган шерикларимиз тириклайин тўнғизларга ем бўлди. Кўз ўнгимизда бўлиб ўтган бу даҳшатли фожиадан баданимизни қалтироқ босди. Али билан Томас менга, мен эса уларга термулиб қолган эдик. Бир вақт мен ўтирган дарахт бир томонга қараб секин оғиб кета бошлади. Шунда ёнимда ўсган дарахтга жон-жаҳдим билан сакрадим. Унинг шохларига маҳкам тирмашиб аста-секин йўғонроқ шохига ўтиб олдим. Али билан Томасга менга ўхшаб бошқа дарахтга ўтиб олишни маслаҳат бермоқчи бўлиб, ён томонга қарасам, улар ўтирган дарахт илдизи билан қўпорилиб йиқилиб ётибди. Тўнғизлар Али билан Томаснинг танасини бурдалаб, турли томонга торткилашарди...

Кўзига ёш олган Мустафо чуқур хўрсиниб, ўрнидан турди. Узоқ вақт жим қолдик. Алини болалигидан билганим учун унинг фожиали ўлимини эшитиб, худди ўзимнинг фарзандимни йўқотгандай бағрим куйиб кетди.

...Катерина бизни очиқ чеҳра билан кутиб олди. Сервант устидаги Алининг суратига кўзим тушганида юрагим бир орзиқиб кетди. Аммо хонага шўхлик билан югуриб кирган беш ёшли қизалоқ, назаримда бутун дунёни шодликка тўлғазиб юборгандек эди. Уни кўриб менинг ҳам, Мустафонинг ҳам чеҳраси очилиб кетди. У қизчани қучиб, даст кўтарди-да, юзидан ўпиб, менга таништирди.

– Мен Сайёраман! – деди қизалоқ, ўпич учун менга юзини тутиб. – Сиз дадамнинг ўртоғимисиз?

Сайёранинг юзидан ўпар эканман, Мустафо билан Катериналарнинг дил ярасига малҳам бўлиб қолмай, менинг ҳам юрагимдаги ғуборни ювиб юборганлигини сездим. Чунки унинг шўх кўзлари ҳаёт давом этаётганини англатиб турарди.

**(Охири. Боши ўтган сонда).**


# ДИҚҚАТ, АВТОГАЗОЗАПРАВКА! ҲУРМАТЛИ ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Автомобилларга табиий ва суюлтирилган газ қуйиш станцияси қурмоқчи бўлсангиз, юқори малакали мутахассислар лойиҳалаш, экспертизалар ўтказиш, МДҲ, Европа ва Хитой давлатлари ишлаб чиқарувчилари билан интернет орқали мулоқот ва технологияларни олиш учун имтиёзли шартномалар тузишга ёрдам бериш кафолатини оладилар.**
**Хизматлар лицензияланган.**
**Манзил: Қўқон шаҳри, А. Мамаюсупов кўчаси, 10-уй. "ГАЗЛОЙИҲА" институти.**
**Телефон: (8-373) 552-27-60. Факс: 552-46-04.**
***Лицензия № 000736***
***АА № 070.***


# СКАНВОРД



**Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-840. А-3919. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 22.00. 1 2 3 4 6